

ABILITY TO USE MODERN INNOVATIVE METHODS IN THE FORMATION OF THE QUALIFICATION OF TEACHERS OF TECHNOLOGICAL EDUCATION

Salimboy Akromovich Boltaboev

Associate professor of Chirchik State Pedagogical Institute.

Dilshod Bakhtierovich Luxmanov

Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

What skills, the formation of creative abilities, their importance in the formation of professional qualities of future technological education teachers will be discussed in this article.

Keywords: ability, creativity, external environment, genetic connections, "teacher first". "Number of teachers" Folk Crafts.

ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ МАЛАКАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ КЎНИКМАСИ

Салимбой Акромович Болтабоев

Чирчиқ Давлат Педагогика интитуту доценти.

Дилшод Бахтиерович Лухманов

Чирчиқ Давлат Педагогика интитуту ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада қандай кўникмалар, ижодий қобилиятларни шакллантириш, уларнинг бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг касбий фазилатларини шакллантиришдаги аҳамияти муҳокама қилинади.

Калит сўзлар: қобилият, ижодкорлик, ташқи муҳит, генетик боғланишлар, “ўқитувчи аввало”. “Ўқитувчилар сони” Халқ ҳунармандчилиги.

Инсонда муайян креативлик қобилиятининг шаклланишида ташқи муҳит ва ирсий муносабатлар маълум даражада роль ўйнашига одамлар қадимдаёқ эътибор беришган. Қадимги Спарта қулдорлик давлатида шу давлат учун мақбул шакллар яратишга ҳаракат қилганлар, бироқ тарихдан маълумки, бу тадбир ачинарли аҳволга олиб келди.

Креативлик қобилиятининг шаклланишида ирсий қонуниятларнинг мазмун-моҳияти ҳақида гапирар эканмиз, генетик (генетика-ҳайвон ва ўсимликлар ирсийети, унинг ўзгарувчанлиги ҳақидаги фан) ижтимоий шароитга аҳамияти катта. “Киши,-ижтимоий организм, демак, у ижтимоий муҳитсиз яшай олмайди”.

Бизнингча, миллий ҳунармандчилик ишлари бўйича креативлик - ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятларини очиб беришда ҳар бир ўқувчининг диққатини янада оширувчи ҳар бир ишнинг ўзига хослиги, яратувчанлигини, мустақил фикрлашини,

табиат гўзалликларига янгилик киритиб, янада жозибадор нақшлар, ижод намуналарини ишлаб чиқишга амалда тадбиқ этиш ҳисобланади.

Шу ўринда ўз замонасининг етук олими, жуда кўп тилларни билган, файласуф, математик ва шифокор Шарқда “Муаллими аввал” (“Биринчи муаллим”) унвонини олган Аристотелдан кейин “Муаллими сони” (“Иккинчи муаллим”) деган ном олган Абу Наср Форобийнинг ёзган асарларидаги фикрлари бутун жаҳон халқлари, жумладан Шарқ ва Ўрта Осиё халқларининг инсон камолоти ҳақидаги педагогик назариясининг юзага келиши ва ривожланишидаги роли бениҳоя катталигини алоҳида таъкидлашга эҳтиёж сезилади. У қобилиятнинг моҳиятини “...инсонга унинг ўз олдига қўйган мақсадларини амалга оширишига халақит берувчи қобилиятлари ва ўрганган ихтиёрий ҳаракатлари инсон ёмонлиги ва аксинча, инсонга унинг ўз олдига қўйган мақсадларини амалга оширишига ёрдам берувчи қобилиятлари ва ўрганган ихтиёрий ҳаракатлари инсон яхшилигидир”, деб изоҳлайди. Шунингдек, у инсон қобилиятнинг аҳамиятини “Инсон ҳаётининг олий мақсади ҳам бахт-саодатга эришувдан иборат. Инсоннинг бахтли бўлиши эса унинг қобилияти ва иродасига боғлиқ. Инсон юксак камолотга эришув йўлида ҳаракат қилгандек, ақлий билишга ҳам ҳаракат қилса, ҳеч шубҳасиз, ўзи интилаётган сўнги даражадаги бахт-саодатга эришади” дея эътироф этади.

Форобий туғма мутлақ ғоялар ва даҳолик қобилиятларни тан олмайди. Аммо туғма фазилатлар фикрий фазилатга бўйсунishi керак. Инсоннинг касбхунар ва санъатдаги фазилати туғма эмас. “Агар касб-хунар фазилати туғма бўлганда, подшоҳлар ҳам ўзлари истаб ва ҳаракат қилиб эмас, балки подшоҳлик уларга фақат табиий равишда муяссар бўлган, табиат талаб қилган табиий бир мажбурият бўлиб қолар эди”.

Касб-хунар фазилати туғма бўлмас экан, “халқлар ва шаҳар аҳлларидахлоқ, одоб, расм-русум, касб-хунар, одат ва иродани ҳосил қилиш учун инсондан зўр куч ва қудрат талаб қилинади. Бу икки йўл билан яъни таълим ва тарбия билан қилинади. Таълим деган сўз халқлар ва шаҳарликлар ўртасида амалий фазилатни бирлаштириш, тарбия эса шу халқлар ўртасидаги туғма фазилат ва амалий касб-хунар фазилатларини бирлаштириш деган сўз”. “Таълим,- дея у сўзини давом эттириб, - фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса амалий иш, тажриба билан, ... касб-хунарга берилган. бўлиши, ўрганиши” . Бу ишни устозлар ва мураббийлар бажарадилар, дейди .

Бироқ мутлақо креативлик қобилиятисиз, истеъдодсиз (руҳий ва физиологик жиҳатдан нормал кишилар назарда тутиляпти, албатта) ва ҳаддан ташқари креативлик қобилиятли инсон ҳам йўқ. Ҳар бир шахс муайян қобилиятга маълум даражада мойил бўлади. Бундай қобилиятлар қулай ижтимоий шароитлар мавжудлигидагина имкониятдан креатив воқеликка айланиши мумкин.

Креативлик қобилияти муайян генетик имкониятнинг ижтимоий ва тарихий шароитлар билан ўзаро муқаррар ва мураккаб таъсири орқалигина вужудга келади.

Буларнинг ҳаммаси ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ муҳит ва таълим-тарбия маҳсули бўлмиш инсон фаолияти моҳиятидан ажралмас, унинг меъёрий-ижодкорлик меҳнати самараси билан изоҳланади.

Муайян креативлик қобилиятининг “нишонлари” ҳар бир кишида бор, бироқ уларнинг ривожланиши ижтимоий ишлаб чиқаришнинг муайян шароитларида таркиб топган ижодкорлик меҳнатига боғлиқ.

Қобилиятларнинг ижтимоий шаклланиши барқарорлик ва ўзгарувчанлик ўзаро таъсирининг жуда мураккаб жараёни. Ушбу муаммони ҳал этиш диалектикаси мазкур жараёнда ижтимоий ва генетик ҳодисаларнинг диалектик ўзаро таъсирини эътироф этишни талаб қилади. Барқарорлик ва ўзгарувчанлик имконият ва воқелик жараёнларининг ўзаро таъсирини назарда тутади. Ижтимоий омил муайян креативлик қобилияти наслий “нишонлари”нинг шаклланиши ҳамда намоён бўлиши учун зарур ва асосий шароит ҳисобланади. Имконият тарзидаги ирсий “нишонлар” фақат ижтимоий омиллар орқалигина воқеликка айланиши мумкин.

Генларнинг муайян уйғунлашувидан ҳосил бўладиган наслий “нишонлар” ижтимоий шароитлардан ташқарида, қуруқ, мавҳум ё юзаки имкониятдангина иборат бўлиб қолади. Бироқ муайян қобилиятнинг маълум наслий “нишонлари” объектив бўлиши лозим, чунки ҳар қандай мақбул ижтимоий шароитда ҳам йўқдан ҳеч нима бор бўлмайди. Дарҳақиқат, масалан, қобилиятсиз ҳунармандга ижтимоий жиҳатдан рисоладагидек шароит яратиб берган билан, у буюк ижодкор бўлиш у ёқда турсин, ҳатто унинг яқинига ҳам йўлай олмайди.

Ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчилик бўйича креативлик қобилиятларини ривожлантириш технологиясида ўзига хос мураккабликлар мавжуд. Чунки технология фани ўқитувчисининг педагогик фаолиятида халқ ҳунармандчилиги технологияси ва таълим технологияси ягона тизимни ташкил этади. Бироқ уларнинг орасидаги ўзаро рационал (мувофиқ) алоқадорлик, яъни ўқувчиларни бутун ўқув фаолияти давомида тегишли синфларда креативлик (яратувчан ижодкорлик)ка тайёрлаш (шакллантириш, ривожлантириш ва такомиллаштириш) масалаларига мажмуавий ёндашув масаласига ҳозиргача деярли эътибор берилмаяпти. Натижада, ўқувчиларнинг креативлик қобилияти ва педагог (ўқитувчи) ларнинг касбий фаолияти мутаносиблиги мезони ва жараёни орасида узилишлар рўй бермоқда.

“Креативлик” тушунчаси барча ҳолларда у ёки бу жиҳатдан теварак атрофни ўраб турган ҳолат, воқеа ёки ҳодисалар моҳиятини оқилона ўрганиб, унинг ижобий томонларини очиб бериб, жамиятнинг истиқболли келажагига йўналтиришдан иборат.

Бу муаммонинг ижобий ечими ўқувчиларнинг миллий ҳунармандчилик бўйича креативлик қобилиятини ривожлантириш технологияси предмети, таркиби, мақсади, вазифаларини тўғри шакллантиришга боғлиқ.

Юқоридаги фикрлар ижодкорлик жараёни таҳлили унинг предмети, таркиби, мақсади ва вазифалари ҳам тарихий-ижтимоий тараққиёт маҳсули эканлигидан далолат беради. Бу маълумотлар умумий ҳолдаги ижодкорлик (бадий, илмий, техникавий, маънавий, фалсафий ва ҳокозо)нинг моҳиятини аниқлаб олишга ёрдам беради.

REFERENCES

1. Malikova, D. Q. (2022). XXI ASR–intellektual yoshlar asri. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(Special Issue 4-2), 253-258.
2. Malikova, D. Q. (2022). Oliy ta'lim muassasalarida uzluksiz ma'naviy tarbiya jarayonining mazmuni. Eurasian Journal of Academic Research, 2(5), 317-321.
3. Маликова, Д. Қ. (2021). Таълим тизимида миллий ғоя фаннининг ацамияти. НамДУ илмий ахборотномаси, 21(3), 223-223.
4. Malikova, D. (2021). The role of education in the formation of ideological immunity in the world of youth in the example of finland. Интернаука, (19-5), 9-10.
5. Malikova, D. K. (2021). The role of book reading in protection of national and spiritual identity in the context of democratic reform. International Conference Science and Education, 1(1), 196-197.
6. Sulstonov, F., Malikova, D. Q. (2021). Ёшлар дунёқарашида мафқуравий иммунитетни шакллантиришда тарбиянинг ўрни. Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар, 1(4), 7-9.
7. Маликова, Д. Қ. (2021). Ёшларда мафқуравий иммунитет ва ғоявий курашчанликни шакллантиришнинг асосий жиҳатлари. XXI аср – интеллектуал ёшлар асри, 1(1), 307-308.
8. Маликова, Д. Қ. (2021). Систематический анализ идеологический процессов. Innovation In The Modern Education System, 4(1), 397-402.
9. Malikova, D. Q. (2021). Globallashuv jarayonida yoshlar mafkuraviy immunitetini shakllantirish masalalari. The XXI Century Skills for Professional Activity International Scientific-Practical Conference, 1(1), 229-230.
10. Маликова, Д. Қ. (2021). Биринчи ренессанснинг маънавий тарбиявий таълимотига бир назар. Масофавий таълимни ташкил этишнинг педагогик-психологик жиҳатлари, 1(1), 617-621.
11. Malikova, D. Q. (2021). Sharq milliy mafkurasi rivojida g'arbiy yevropa mafkurasining o'rnini. O'zbekistonning umidli yoshlari, 1(1), 94-95.
12. Malikova, D. K. (2021). Ideology in the modern world a choice between the gap and the future. Eurasian Journal of Academic Research, 1(1), 752-759.
13. Malikova, D. Q. (2021). Ommaviy madaniyatga qarshi kurashda mafkuraning o'rnini. Polish Science Journal, 3(36-4). 55-57.
14. Malikova, D. Q. (2021). Milliy mafkuramizni kuchaytirishda insonparvarlikning o'rnini. Образование и наука в XXI веке, 2(11), 46-49.
15. Маликова, Д. Қ. (2021). Гуманитарная интервенция: между суверенитетом государства и правами человека. Студенческий вестник, (18-5), 37-40.
16. Маликова, Д. Қ. (2021). Духовно- идеологический процесс в современных условиях. Образование и наука В XXI веке, 2(11), 89-95.
17. Malikova, D. Q. (2020). Milliy mafkurani yoshlar ongiga singdirish usullari. Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар, 1(2), 7-8.
18. Jumayev, S. S., Malikova, D. Q. (2020). Ta'lim-tarbiyaga e'tibor-yangi O'zbekiston taraqqiyotining asosiy omili. Milliy tiklanishdan - milliy yuksalish sari, 1(1), 168-170.